Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 12 апрель, шанба • № 30 (10.908) • Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

ЖАМИЯТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимиз қонун чиқарувчи олий органининг олтинчи сессиясидаги нутқида баён этилган демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифаларини амалга ошириш юзасидан Олий Мажлис Кенгаши қарори асосида кенг қўламли тадбирлар ишлаб чиқилган эди.

10 апрель куни «Жамиятни янада демократлаштириш шароитида оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш» масалаларига бағишланган тадбирларни амалга оширувчи ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни мазкур гуруҳ раҳбари, Олий Мажлис матбуот ва ахборот қўмитасининг раиси У. Ҳошимов бошқарди.

Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясидан сўнг ўтган давр мобайнида республикамизда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш ва жамиятни демократлаштириш борасида қатор диққатга сазовор ишлар амалга оширилди. «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги, «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди ва парламент муҳокамасига киритилди. Расмий матбуот органлари билан бир қаторда муайян партия ёки халқ ҳаракати нуқтаи назарини ифода этувчи газеталар чиқа бошлади. «Ҳуррият» мустақил газетаси таъсис этилди. Эркин демократик ахборот маконини вужудга келтириш ҳамда мустақил нашрлар ва ахборот органлари тармоғини кенгайтириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Йиғилишда ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилган ибратли ишларни қайд этиш билан бирга, бу йуналишда ҳал қилиниши лозим булган муаммолар, долзарб масалалар борлиги ҳам таъкидланди. Шунинг учун ҳам йиғилиш аҳли бу йуналишдаги ишларни янада жонлантириш лозим, деган қатъий фикрни билдирди.

Йиғилишда Олий Мажлис раисининг ўринбосари Б. Шодиева, республика Президенти девонининг масъул ходимлари, республика қўмита ва идораларининг, оммавий ахборот воситаларининг раҳбар ва етакчи ходимлари иштирок этдилар.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

9 АПРЕЛЬ КУНИ ВИЛОЯТ ФАОЛЛАРИНИНГ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Қайси соҳада бўлмасин, юксак самараларга эришишнинг асосий омили шу тармоқда ислоҳотларнинг қай даражада амалга оширилишига боғлиқ. Зеро бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда, ишни янгича услубда ташкил этмай туриб, муваффақиятлар ҳақида ўйлаш бефойда.

Шу боисдан ҳам 9 апрель куни вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида ислоҳотларни изчил давом эттириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда шаҳар ва туманлар ҳокимлари, вилоят иқтисодий тизимидаги ташкилотлар, муассасалар, шаҳар ҳамда туманлар молия бўлимлари, солиқ инспекциялари раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокими Эркин Рўзиев бошқарди.

Фаоллар йиғилишида «Тошкент вилоятини 1997 йил биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг бориши тўғрисида»ги масала хусусида вилоят истиқболни белгилаш ва статистика бош бошқармаси бошлиғи, вилоят ҳокими муовини Бахтиёр Ҳосилов маъруза қилди.

Нотиқ ўз нутқида қайд этганидек, жорий йилнинг биринчи чораги давомида саноат, қурилиш, транспорт, алоқа тармоқлари, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида бирмунча ишлар қилинган.

Хусусий корхоналар кўпайиб, 2918 тага етди. Шу муддат мобайнида мулкни давлат тасаррўфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича 14 та давлат далолатномалари берилди. Пул эмиссияси сезиларли даражада камайди.

Мулкдорлар синфини шакллантириш, деҳқон-фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашга эътибор ортиб бормоқда.

Айни пайтда вилоятда зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони камаймаяпти. Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Ўзбекистон ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати, «Балиқчи» ишлаб чиқариш бирлашмалари ана шулар жумласидандир. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари билан боғлиқ муаммолар суст ҳал этилмоқда.

Шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш бўйича шартномалар тузиш суръати ҳам паст. Вилоятда акционерлик жамиятлари кўпайиб бораётган бўлсада уларда акцияларни сотиш талаб даражасида эмас. Бу эса ислоҳотларни амалга оширишда қийинчиликлар туғдирмоқда.

Маъруза юзасидан сўзга чиққан вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи А. Раҳимов, республика марказий банки вилоят бўлими бошлиғи Н. Солиев, вилоят солиқ бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи С. Муҳиддинов, вилоят меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси бошлиғи Т. Холбоевлар ўзлари раҳбарлик қилаётган соҳаларда ислоҳотларнинг бориши хусусида тўхталиш билан бирга, бу борадаги ютук ва камчиликлар ҳақида ҳам батафсил гапириб ўтдилар.

Йиғилишда республика истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси раиси Р. А. Гиниатулин иштирок этди.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

«МЕНИКИ»НИНГ ҲОСИЯТИ

НАЗАРИМДА АНА ШУ СЎЗ БИЗНИ ЭНГ КАТТА ИЛЛАТ — БОҚИМАНДАЛИКДАН ТЕЗРОҚ ХАЛОС ЭТАДИ

Очиғини айтиш керак. Биз бу сўзни етмиш йилдан кўпроқ умуман, айтмадик. Негадир, ҳамон озгина ҳадик билан тилга оламиз. Аслидачи... Аслида «меники» дейиш учун ҳамма йўллар очилди. Тўғрироғи, айнан «меники» деб ишлаш, «меники» деб қайғуриш, «меники» деб курашиш, масъулиятни ҳис этиш жамият, мамлакат ривожининг асосий таянчи эканлигини ҳаёт аллақачон исботлаган.

Бунга мисолни ўзимдан бошлай қолай. Ўн сотих томорқам бор. Ўтган йили картошка экдим. Роса ишладим, 4,5 тонна ҳосил олдим. Бу гектарига ҳисобланса 450 центнер деган гап. 3 тоннасини сотдим. Даромад мўмай бўлди. 1,5 тоннаси уруғликка қолди. Худди шу нав картошкани эккан қўшни жамоа хўжалигидаги натижани қизиқиб сўрасам ҳосилдорлик гектар бошига базўр 120 центнерга айланибди.

Нега, дейсизми? Сабаби аниқ. Мен ўзимники деб ишладим. Жамоа эса ҳамманики, деб ишлади.

Яқин дўстим Туроб илгари ҳам «Қўйлиқ» теплица хўжалигида ишларди. Лекин, ҳеч елиб югурганини билмасдик. Кейинги пайтда юриш туриши ўзгариб қолди. Ҳа, десак, «Ойнаванд даладан 12 сотихини ижарага олдим, энди қанча кўп ҳосил олсам, шунча кўп даромад бўлади», дейди. Бу ҳам «меники»нинг ҳосияти эмасми.

Ана шу «Қўйлиқ» агрофирмасининг раҳбари Меҳриддин Аҳмедовнинг таъкидлашича, сўнгги икки йилда иш юритишнинг тубдан ўзгарганлиги, шартнома — ижара усулининг жорий этилганлиги даромадни икки баробар оширди. Ҳосил ҳам шунга яраша. Агар, 1995 йилда агрофирма 3 миллион сўм соф фойда олган бўлса, 1996 йилда бу кўрсаткич салкам 7 миллионга етди. Агрофирма ижарачиларга барча зарур шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб беришда кўмаклашмоқда. Деҳқонлар эса тўла мустақил ишламоқда. Мана натижа.

Бу борада Зангиота туманидаги «Қорасув» жамоа хўжалигида ҳам юқори натижаларга эришилмоқда. Шу хўжалик ижарачиларидан бири Абдулаҳат Маъруфов билан суҳбатлашиб қолдик. У ўтган йили 30 сотих майдонга карам экиб, режадагидан 10 тонна кўп ҳосил олганлигини шу ҳисобда мўмай даромад қилганлигини айтиб берди. Бу йил Абдулаҳат ака яхши ният билан 1 гектар майдонга картошка, карам, пиёз, қулупнай экибди. Нияти бу майдонни узоқ муддатга ўз тасарруфида қолдириш экан. Бундай мисоллар кўп. Демоқчиманки, одамларга шароит яратилса, кўмаклашилса, эркин ишлашга имконият яратилса озиқ-овқат муаммосини тўлиқ ҳал этиш мумкин. Бунга асос тариқасида қуйидаги рақамларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Вилоят истиқболни белгилаш ва статистика бош бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини Жаҳонгир Файзиевнинг маълум қилишича бугунги кунда вилоят ҳудудида 33121 та томорқа хўжалиги мавжуд. Амалда уларга ажратилган майдонларнинг 24 минг 724 гектаридан самарали фойдаланилмоқда. 1997 йилнинг биринчи чорагида вилоят бўйича етиштирилган ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 85,7 фоизи томорқаларда ишлаб чиқарилди. Бор йўғи 13 фоизи жамоа хўжаликлари, 1,3 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келди. Бир йилда аҳоли қўлидаги чорва туёғи 26,3 минг бошга, қўй ва эчкилар 34,3 минг бошга кўпайди. Улар ўтган уч ойда вилоятда ишлаб чиқарилган гўштнинг 90 фоизини, сутнинг 83,8 фоизини, тухумнинг 61,7 фоизини етиштирдилар. Бу ўтган йилга нисбатан аҳоли томонидан 7,4 фоиз кўп гўшт, 7 фоиз кўп сут ишлаб чиқарилди, деган гап.

Муносабат

Мана шунинг ўзиёқ мустақилликка эришган кунимиздан бошлаб Президентимиз томонидан қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилишга, аҳолига қўшимча томорқалар ажратилишига катта эътибор берилганлиги бежиз эмаслигини исботлаб турибди. Дадил айтиш мумкинки, бугунги бозорнинг тўкинчилиги ана шу тадбирларнинг маҳсулидир.

Аҳвол бундан ҳам яхши бўлиши мумкин эди, тўғрироғи, бўлиши керак эди. Афсуски, бу борадаги қабул қилинган фармонлар, қарорлар, тадбирлар тўлиқ амалга ошмаяпти. Механизм яхши ишламаяпти. Айрим хўжалик раҳбарлари ва зодагонлар «ҳокимият» ўз қўлларидан кетиб қолишидан қўрқмоқдалар. Айни пайтда, халқимиздаги ҳуқуқий билим ва савиянинг етишмаётганлиги, ўзи учун кураша олмаётганлиги ҳам панд беряпти.

Назаримда Республика Президентининг «Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ана шу нуқсонлар ва муаммоларга батамом чек қўйиши керак. Фармонда берилган катта имтиёзлар, катта имкониятлар деҳқонларга, томорқа эгаларига «меники» деган сўзни баралла айтиш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди. Энди умид қиламизки, жойлардаги хўжалик раҳбарлари, мутасадди идоралар, ҳокимликлар ва ташкилотлар унинг ижросига жиддий киришадилар.

Бу масаланинг яна бир муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамияти шундаки, томорқалар бериш ҳисобига қишлоқ жойлардаги ортиқча ишчи кучларини меҳнатга жалб этиш, уларнинг даромад олиб, маҳсулот беришларига эришиш мумкин. Вилоятда қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш дастурига кўра 2000 йилгача яна 12 минг 676 та шахсий томорқа хўжаликлари тузилади. Демак, шунча оила иш билан таъминланади.

Халқимизда қарс икки қўлдан, деган гап бор. Демоқчиманки, бу эътиборга, ғамхўрликка жавоб ҳам бўлиши керак. Деҳқончилик, айниқса, ердан мўл ҳосил олиш анчайин оғир меҳнат. Уни чидаган, йўл-йўриғини билган қилади, эплайди. Шундай экан, ерни ҳам билиб бериш керак. Фақат ҳақиқий ер соҳибларигина бу йўлдаги барча муаммоларни, оғирликларни, тўсиқларни ёриб ўта оладилар.

Бизнинг ниятимиз ҳам шу. Мамлакатимизда «меники» дегувчилар кўпайсин. Ана шунда деҳқон бойийди, юрт дастурхонига қут-барака кираверади.

Фатхиддин ФАЗЛИДДИНОВ.

Вилоят ҳаёти: Воқеалар, шарҳлар, янгиликлар



АКЦИЯДОРЛАР

КЕЙИНГИ йилларда «Тошвилюктранс» концернининг Чирчиқ шаҳридаги 2-акционерлик автокорхонасида иқтисодий кўрсаткичлар анча юқорилаб кетди.

— Бунинг қатор ўзига хос омиллари бор, — дейди корхона раҳбари Файзи Тошмуҳамедов, —ҳиссадорлик жамиятига айландик, ҳар бир тармоқда иш услуби ўзгарди. Соҳани малакали, бугунги кун талабини чуқур тушунган кадрлар бошқаришмоқда. Хусусан, Али Асомов, Муҳр Ғайфуллин, Лариса Велигура, Людмила Ефимова, Мирахмад Бадалов, Николай Украинец, Амиржон Тошимбетов, Шуҳрат Ҳасанов, Зиябек Аҳмедовлар ана шулар жумласидандир.

Автокорхона раҳбари жамоада меҳнат интизоми юксаклиги, ишчиларга қулай шарт-шароитлар яратилганлиги, моддий ва маънавий рағбатлантириш яхши йўлга қўйилганлиги туфайли ҳам унумдорлик ортиб бораётганлигини алоҳида таъкидлади.

Мана бу рақамларга эътибор қилайлик. 326 нафар ишчи меҳнат қилаётган автокорхонада 269 та юк машинаси билан бутун 1996 йил давомида 421 минг тонна юк манзилларга етказилган бўлса, шу йил биринчи чорагининг ўзидаёқ бу кўрсаткич 423 минг тоннани ташкил этди. Бошқача айтганда уч ойлик режа 160 фоизга бажарилди.

Ўтган йили умумий даромад 10 миллион сўмдан, соф фойда эса 3 миллион 939 минг сўмдан ошиб кетди. Ҳар бир ишчининг ўртача ойлиги 4,5—5 минг сўмга тўғри келди. Ишчи-хизматчилар сотиб олган акциялари ҳисобига 1 миллион 311 минг сўм дивиденд олдилар.

Суратларда: корхона ҳаётидан лавҳалар. Владимир ГРАНКИН олган суратлар.

ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК КУНЛАРИ

Вилоят ҳокимининг қарори билан вилоят ҳудудида ҳар йили уч босқичда ана шундай кунлар ўтказилади

ТОШКЕНТ вилояти ҳокимлиги ва халқаро «Экосан» жамғармасининг вилоят бўлими ҳамкорликда ташкил этадиган бу тадбирнинг асосий мақсади барқарор экологик вазиятни таъминлаш, фуқароларнинг яшаш ва иш жойларида санитария-гигиена талабларига риоя этиш, турли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, жойларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини жонлантириш, энг муҳими одамларни экологик билим ва ҳуқуқларини оширишдан иборат.

Ана шунинг учун ҳам вилоят ҳокимлиги экология ва саломатлик кунларини ўтказишда барча давлат ва жамоат ташкилотлари, муассасалар, концернлар, корхоналар, ҳокимликларнинг фаол иштирок этишларини таъминлашга алоҳида эътиборни қаратмоқда. Бу шанбаликлардан тушган маблағлар ижтимоий-экологик дастурларни амалга ошириш учун сарфланади.

Бу кунларнинг биринчи босқичи март-май ойларида ўтказилиб, унда кўкаламзорлаштириш, янги боғлар яратиш, истироҳат боғлари, ҳиёбонлар барпо этиш, кўчалар, суғориш тармоқларини тозалаш сингари қатор ишларни амалга ошириш мўлжалланган. Июнь-август ойларида бутун жаҳон атроф муҳитни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб ўтказиладиган иккинчи босқичда режалаштирилган ишлар кўлами ҳам кенг. Саноат, қишлоқ хўжалиги объектлари, касалхоналар, болалар муассасалари, деҳқон бозорлари ва бошқа ана шундай жойларнинг санитария ҳолатини яхшилаш шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кунига бағишлаб сентябрь-декабрь ойларида ўтказиладиган учинчи босқичда асосий эътибор ободонлаштириш, тозалик билан бирга қишга тайёргарлик ишларини жонлантиришга қаратилади.

Экология ва саломатлик кунларига ҳар йилнинг 15 май, 15 август, 15 ноябрида якун чиқарилади. Голиб деб топилган саноат, қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалар, маҳаллалар, шаҳар ва туман ҳокимликларига махсус мукофотлар ажратилган. Уларга халқаро «Экосан» жамғармасининг фахрий ёрлиқлари билан бирга корхона учун 50 минг сўм, хўжалик учун 50 минг сўм, муассаса учун 40 минг сўм, маҳалла учун 50 минг сўм, шаҳар ва туманлар учун 100 минг сўм миқдоридаги пул маблағлари берилади.

Республикамизда, хусусан, вилоятимизда яна бир хайрли иш бошланди. У ободончилик, ораста лик, энг муҳими аҳоли саломатлигини муҳофаза этишга қаратилган. Ундан ҳеч ким четда қолмаслиги керак.

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси шу йилнинг 24 апрелида Тошкент тумани ҳокимлиги биносида «Йилнинг энг яхши чевари» кўрик-танловини ўтказади.

ТАНЛОВДА ёшидан, касбидан қатъий назар вилоятимизнинг барча хотин-қизлари ўзлари тиккан кийим-кечаклари, янги либослари ва чеварлик санъатининг намуналари билан иштирок этишлари, бу ҳақда шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталарига мурожаат қилиб қўшимча маълумотлар олишлари мумкин.

Кўрик-танлов иштирокчилари 3 шарт бўйича ўзаро беллашадилар. Булар хотин-қизларнинг иш кийимларини тайёрлаш, тўй ва тантаналарда кийиладиган либослар ҳамда уй кийимларини тикиш-бичишдан иборат шартлардир.

Танловда ғолиб чиққан тадбиркор чеварга вилоят меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармасининг **1 миллион** сўмлик имтиёзли кредити берилади. Иккинчи ўринни эгаллаган қатнашчи **чет эл га йўлланма** билан тақдирланади. Учинчи ўрин соҳибига **маҳсус қимматбаҳо совға** топширилади. Шунингдек, ғолиблар май ойида республикада ўтказиладиган кўрик-танловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш учун вилоят тадбиркор аёллар уюшмаси, республика «Камолот», «Экосан» жамғармалари вилоят бўлимлари ҳам ўз совринларини ажратишган.

Биз, вилоятимизнинг барча хотин-қизларини бу тадбирда фаол иштирок этишга чақирамиз.

«Чақириқ — 97»

ЙИГИТЛАР ХИЗМАТГА ОТЛАНИШДИ

Юқоричирчиқ туман ҳокимлиги, «Камолот» жамғармаси туман бўлими, Халқ Демократик партияси туман кенгаши, мудофаа ишлари, «Нуроний» жамғармаси туман бўлимлари биргалиқда аскарликка кузатув кунига бағишлаб «Ой бориб омон қайтинг, йигитлар» тадбирини ўтказдилар.

Ихлос ва садоқат билан Ватан хизматига бел боғлаган йигитларимизга оқ йўл тилашди.

Искандар Алимов, Икром Алимов, Нурлан Аҳмедов, Зокир Бектуровлар ҳозирги кунда Чирчиқдаги танкчи-муҳандислар олий ҳарбий билим юртида таҳсил олишади. Улар ҳам ушбу тадбирда фаол қатнашишди.

Уруш ва меҳнат фахрийси Бексеит Боймурзаев, Афғон уруши қатнашчиси Бахтиёр Кашаев, Искандар Алимовлар бўлажак аскарларга оқ фотиҳа бердилар.

Билим юртида таълим олаётган юқоричирчиқлик ҳарбий талабаларга совғалар топширилди.

Тадбир сўнгида Умиджон Ҳакимов раҳбарлигидаги «Умид» гуруҳининг куй ва қўшиқлари барчага манзур бўлди.

Латифжон МАНСУРОВ.

НОМЛАРИ УНУТИЛМАЙДИ

Шундай фидойилар бўладики, ўзлари жисмонан орамизда бўлмасалар-да, уларнинг ишлари, яхши хулқлари, ўз касбларига садоқати ва ўзгаларга бўлган меҳр-муҳаббати инсонлар қалбида узоқ йиллар яшайди.

Саидакбар Нажимов, Бахтиёр Комилов, Бекпўлат Сиддиқов, Абдурауф Азимов, Хуршид Ғозибеков, Александр Костенколар юрт ва халқ мулкини қўриқлашда хизмат бурчларини ўтаб турган пайтларида ҳалок бўлдилар. Бироқ уларнинг номларини ҳамкасблари сира унутмайдилар. Ҳамиша биз билан бирга, деб хис этадилар. Яқинда республика божхона Бошқармаси Тошкент вилояти божхона хизмати маъмурияти вакиллари ана шу халок бўлган ҳамкасблари оилалари хонадонида бўлиб, моддий ёрдам кўрсатишди. Наврўз байрами баҳона ёзилган дастурхонда ош тортишдан олдин марҳум ҳамкасблари хотираси ёдга олиниб, улар руҳига тиловат қилинди.

— Хизмат бурчларини ўтаётган пайтда ҳалок бўлган ва ҳозирда нафақада бўлган меҳнат фахрийларини байрамлардагина йўқлар эдик, — дейди вилоят божхона хизмати бошлиғи Т. Усмонов, — бундан буён уларни вақти-вақти билан йўқлаб, имкон даражасида ёрдам кўрсатиб туриш ниятидамиз.

Шарофиддин УМИРОВ.

Халқ ҳунармандлари

УСТА

ЎШАНДА Эргаш ҳали ўсмир йигитча эди. Дарсдан бўш вақтларида отаси — Аъзам устага иморатларнинг пол, фанерларини қоқишда кўмаклашар, бажарилган ишдан уй эгалари хурсанд бўлиб, миннатдорчилик билдиришганда ўзининг ҳам ҳиссаси борлигидан дили яйраб кетарди. Бир куни Аъзам ота фарзандига шундай деди:

— Ҳунарли киши ҳурматда бўлади, ўғлим. Инсон рўзғорининг бутлиги, муродининг ҳосил бўлиши илму-ҳунар ҳамкорлигидан. Лекин бир нарсани яхши бил, одам қайси касбга юраги жизилласа унга астойдил ихлос қўйиши керак. Шундагина ишидан баҳра олади.

Эргаш анча ўйланиб қолди. Кейин отасига ийманибгина орзуси ҳақида гап очди.

— Ёғоч усталиги ҳам яхши-ку, — деди у мулойимлик билан, — лекин расм ўқитувчимиз мени нақ қошликка қизиқтириб қўйганлар. Мактабни битириб шу соҳага ўқисам дейман. Отанинг кўзлари қувончдан порлади.

— Жуда яхши ўғлим. илоё ниятингга ет. Менинг касбимни ҳам эгаллаб қолдинг. Нақшни ўргансанг, нур устига аъло нур. Йигит кишига етмиш ҳунар ҳам оз. Одамларга яна ҳам кўпроқ нафинг тегади.

Бу сўзлардан руҳланган Эргаш мактабдаги наққошлик тўгарагида яна ҳам фаолроқ қатнаша бошлади. Ҳар ҳафта, ўн беш кун давомида турли бўёқлар билан жилваланган нақшларини отасига кўрсатиб, унинг кўнглида мамнунлик уйғотиб борарди.

Умр йўли ҳамиша равон бўлавермас экан, унинг пасту-баландликларидан ирода билан ўтган кишигина мақсадга етади. Ўрта мактабдан сўнг Эргашга кўзлаган соҳаси бўйича ўқиш насиб қилмади. У вақтни бой бермай электр-алоқа техникумига ўқишга кирди. Уни битиргач, Қорақалпоғистонга ишга йўлланма беришди.

— Бир йилгина ишладим, рассом, наққош бўлиш ниятидан ҳоли бўлолмадим, — дейди у, — бор гапни раҳбарларга айтиб Тошкентга қайтдим. Уйдагилар билан маслаҳатлашиб, ўқишга аҳд қилдим...

Эргаш ниҳоят орзусига етди. Илм олиш жараёнида бир қатор уйларнинг ички ва ташқи деворларига манзарали суратлар ишлаб, ўқув даргоҳини, турар-жойларни жиҳозлаш йўналиши бўйича имтиёзли диплом билан тугатди.



Э. Сафаров ўқишдан кейин туғилган қишлоғи Дўрмонга қайтди. 1976 йилнинг кузи эди ўшанда. Қибрай тумани раҳбарлари Эргашни бош рассомлик лавозимига тайинлашди. Айни пайтда туманнинг маркази билан бир қаторда қишлоқлар чиройини очиш учун иш кўлами ниҳоятда кенглигини алоҳида таъкидладилар. Туманда бир неча йил мобайнида манзарали расмлар чизиб, биноларни нақшлар билан безаб танилган Э. Сафаровга бу вақт мобайнида республикамиз машҳур рассомларининг назари тушган эди. Айниқса, у Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, етук рассом Анвар Илҳомов эътиборига сазовор бўлди. Мураббийлар Эргашни республика рассомлик комбинатига ишга таклиф қилдилар. Бу даргоҳда у халқ амалий санъати сирларини янада пухтароқ эгаллаб малака ошира борди.

Республикамиз истиқлолга қучоқ очгач, санъат соҳасида ҳам ислоҳотлар учун катта имкониятлар яратилди. Комбинатда ишлаб юрар экан, Эргашда ҳам хусусий корхона очиш нияти туғилди. Устози А. Илҳомов билан маслаҳатлашиб, иккларининг саъй-ҳаракатлари туфайли «Санъат» хусусий корхонаси ташкил этилди. Унда рассомлар, ганчкорлар, ёғоч ўймакорлар бўлиб 32 нафар халқ ҳунармандлари бирлашдилар. Шундан буён қўли гул усталар республикамизнинг қатор шаҳарларига кўрк бағишлаб келишмоқда. Тошкентнинг Ота турк кўчасидаги давлат аҳамиятига молик янги биноларни, «Гулистон» ресторани, Тошкент Давлат педагогика институтининг бош биноси уларнинг нафис санъатлари туфайли янада гўзаллашди. Эргаш Сафаровнинг Термиз шаҳри аэропортидаги муҳташам бинонинг деворига чизган уч қисмдан иборат «Буюк ипак йўли» деб номланган паноси Ўзбекистон рассомлар уюшмаси таҳлил комиссияси томонидан «Рассом фаолиятидаги ёрқин асар сифатида юксак эътиборга лойиқ» деб баҳоланди.

— Отамнинг «Агар инсон юраги жизилласа ҳунарни астойдил севиб эгалласа, муроди ҳосил бўлиб, ундан баҳра олади», деган сўзларини яқинда Олмалиқ шаҳрида бўлиб ўтган вилоятнинг «Ташаббус-96» танлови якунида ўзгача ҳаяжон билан ҳис этдим, — дейди ижодкор, — кўргазмага тавсия қилинган асарларим туфайли биринчи ўрин менга насиб этганлигини эълон қилишганда кўзларимга севинч ёшлари қалқиди.

Бу кўрикда ҳунарманд санъаткор хизмати телевизор билан тақдирланди. Ғолибга вилоятдан фоизсиз 6 миллион сўм кредит ажратилди. Орадан ҳеч қанча ўтмай, Эргаш Сафаровнинг наққошлик, деворий суратлар бўйича кўргазма асарлари республикада ҳам совринли ўринни эгаллаб, муаллифга ўша куннинг ўзидаёқ Президентимиз соврини — «Тико» автомобилининг калити топширилди ва хусусий корхонани кенгайтириб, ривожлантириб бориш учун 12 миллион сўм фоизсиз кредит бериладиган бўлди.

Шу кунларда Э. Сафаров учун бир кеча-кундузнинг 24 соати ҳам камлик қилмоқда. У ўтган йили ўзи туғилиб ўсган туманда ҳунармандлар мактабини очиш, санъатга оид турли касбларга ҳавас қўйган ёшларнинг бошини қовуштириб, малакали ҳунар эгалари тайёрлашни кўнглига тугиб қўйган эди. Ҳозир ана шу ҳаракатда.

Юртбошимизнинг шу йил 31 мартдаги «Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижодкор учун айни муддао бўлди.

— Бу фармоннинг ҳар бир сатри республикамизда бадиий ҳунармандчилик ва амалий санъатни ривожлантириш учун катта ғамхўрлик руҳи билан суғорилган, — дейди у, — менга айниқса ҳужжатда илова тарзида берилган бадиий ва амалий санъат буюмларининг қайси турларини ишлаб чиқариш аниқ кўрсатилганлиги маъқул бўлди. Бундай буюмларни тайёрлаган ҳунармандларнинг беш йил даромад солиғидан озод қилиниши, «Ҳунарманд» уюшмасининг ташкил этилиши, буюмлар республикадан ташқарига сотилганда улардан бож ҳақи олинмаслиги, усталар ўз буюмларининг нархини ўзлари белгилашлари тадбиркорликни янада кенг ривожлантиришга йўл очиши шубҳасиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Фармонга мувофиқ, Қибрай тумани ҳокимлиги ҳозиржавоблик кўрсатди. Шу йил 31 март куни ҳокимлик Э. Сафаров бошлиқ хусусий мактабкорхонага 1150 квадрат метр майдонга эга бўлган икки қаватли бинони иш жойи сифатида ажратди. Бу ерда наққош-уста режасига кўра ганчкорлик, ёғоч уймакорлик, наққошлик, металл буюмларга гул тушириш бўйича цехлар очилади. Энг малакали ҳунармандлар тумандан жамланган ёшларга мураббийлик қиладилар.

Эргашнинг умр йўлдоши Машкура «Дўрмон» жамоа хўжалиги иссиқхонасида ҳисобчи бўлиб ишламоқда. Фарзандлари Мурод, Эркин, Мухлиса ота касбига ҳавас қўйишган. Мурод республика бадиий билим юртида кулолчилик ҳунарини эгаллади. Эркин ва Мухлиса тумандаги 286-лицей-мактабда ўқиш билан бирга наққошлик тўгарагига қатнашмоқдалар. Халқ бадиий ва амалий санъатига меҳр қўйган ота ўз ортидан ёшларни ҳам, фарзандларини ҳам эргаштираётган экан, бу чинакам ҳавасга лойиқдир.

Саидвали ҲАСАНОВ.

«Ўзбекистон қўшиқ байрами» танлови давом этмоқда

НАВБАТ ҲУДУДИЙ БОСҚИЧГА

Бўка туманида ўтказилган қўшиқ байрами ҳақиқий тантанага айланиб кетди. Байрам иштирокчилари айниқса, ўтган йили мана шундай танловда иштирок этиб, ўз қўшиқлари билан тингловчиларни мамнун этган Аҳмад Ҳожиевнинг ўғли, энг ёш қатнашчи Тошпўлат Ҳожиевнинг Ватан ҳақидаги жўшиб куйлаган қўшиғидан таъсирландилар. Бераҳм ўлим Аҳмад Ҳожиевни орамиздан олиб кетди. От изини той босади, деганларидек Аҳмад аканинг ўғли Тошпўлат танловда отаси ижод этган қўшиқни маҳорат билан ижро этди.

Ориф Омонов ҳакамлар ҳайъатининг хулосасига кўра туман кўрик-танлови ғолиби деб топилди. Сарвар Қурбонов ва Саидолим Парпиевлар иккинчи ўринни эгаллашди.

Илҳом Каримов, Насифа Болтаева, Манзура Раҳимовалар учинчи мукофотларга лозим кўрилди. Ғолиблар энди танловнинг ҳудудий босқичида иштирок этадилар.

Умид ТУРСУНОВ.

Суратда: «Ўзбекистон қўшиқ байрами» туман кўрик-танлови ғолиблари (чапдан) С. Қурбонов, О. Омонов, С. Парпиевлар.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ДИҚҚАТ: «ТОЗА ҲАВО» ОЙЛИГИ

ДАН БУРЧАГИ

АТРОФ муҳитни автотранспорт воситаларининг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш мақсадида бир неча йилдирки, қатор вазирликлар ва идоралар, хусусан, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Нефтгазназорати» ҳамкорликда ишламоқда. Мана, бу йил ҳам 10 апрелдан 10 майгача республика миқёсида «Тоза ҳаво» махсус тадбирининг биринчи босқичи ўтказилмоқда.

Тошкент вилоятида ҳам ушбу тадбир кенг кўламда бошланди. Хусусан, вилоят давлат автомобиль назорати бошқармаси тегишли идоралар билан тузилган қўшма режалар асосида «Тоза ҳаво» тадбирини ўтказишда асосий эътиборни йўллардаги ва автокорхоналардаги текширувларга қаратади.

Вилоят йўлларида экологик назорат текширувларини ўтказиш мақсадида туманларда, саноат шаҳарларида ва дам олиш ҳудудларида 22 та мунтазам ва 4 та кўчма экологик масканлар ташкил этилди. Транспорт салмоғи юқори ва уларнинг салбий таъсири сезиларли бўлган Олмалиқ, Ангрен, Оҳангарон, Бекобод, Янгийўл, Чирчиқ шаҳарларида ҳамда дам олиш масканларига бой Бўстонлиқ туманида экологик текширувларга алоҳида эътибор берилади. Мисол учун, биргина Олмалиқ шаҳрида автотранспорт воситаларидан ажралиб чиқаётган ис гази миқдори бир йилда 2 минг тоннани ташкил этади.

«Тоза ҳаво» тадбири давомида йўлларда ва кўчаларда 12 мингтага яқин автотранспорт воситаларини экологик текширувларга жалб этиш мўлжалланмоқда. Шунингдек техник хизмат кўрсатиш ишларини сифатли бажарилишини назорат қилиш мақсадида вилоятдаги 13 та автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахоналари, 4 та автомобилларни таъмирлаш корхоналарининг фаолиятини текшириш ҳам кўзда тутилган.

Фойдаланилаётган нефть маҳсулотлари сифатини назорат қилиш «Тоза ҳаво» тадбиридаги асосий вазифалардан биридир. Бу йилги тадбирда вилоятдаги 33 та автомобилларга ёнилғи қуйиш тармоқларида қўшма текширувлар олиб бориш режалаштирилган.

«Тоза ҳаво» тадбири давомида йирик корхоналарда экологик текширувлар ўтказилади. Кўпчилик автокорхоналарнинг раҳбарлари бажарилиши шарт бўлган экологик тадбирларга совуққонлик билан қарамоқдалар, ваҳоланки транспорт воситаларини техник ва экологик соз ҳолда йўлга чиқариш, уларнинг бевосита вазифаларидир. Афсуски бугунги кунда автохўжаликларнинг 60 фоизида йўлга чиқарилаётган транспорт воситалари экологик жиҳатдан текширилмаяпти, асосий баҳона назорат-ўлчов асбобларининг йўқлиги. Бундан ташқари, автохўжалик ичидаги диагностика постлари, таъмирлаш устахоналари, автомобилларни сақлаш ва ювиш жойлари талаб даражасида эмас. Уларнинг санитар ҳолати аянчли аҳволда.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда биз автокорхоналар ва автохўжаликлар раҳбарларини «Тоза ҳаво» тадбири пайтида экологик тадбирларга юқори масъулият билан муносабатда бўлишга даъват этамиз. Чунки, атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш ва назорат қилиш умумдавлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир.

Атроф-муҳит тозалигини таъминлашга қаратилган «Тоза ҳаво» тадбирларида фаол қатнашиш, унга салмоқли улуш қўшиш барчамизнинг бурчимиздир.

Т. АБДУЖАББОРОВ, Тошкент вилояти ИИБ ДАН бошқармаси экология муаммолари бўлинмаси бошлиғи, милиция майори.

Кичик ва ўрта бизнесга кенг йўл

«ФЕРУЗА» КИЧИК КОРХОНАСИДА

БЕКОБОД туманида ўтказилган «Ташаббус-96» танлови ғолиби Нуриддин Аъзамов раҳбарлигидаги бу кичик корхона уч йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Айни дамда бу ерда 32 нафар киши ишлаётир. Корхонада 18 хил халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилмоқда. Шолча, бўз, арқон, кўрпачалар, ишчилар қўлқопи, жомакорлар, пахта териш этаклари ва бошқалар шулар жумласидандир. Корхонага Бекобод шаҳридаги цемент жамоасидан, Фарғонадаги «Шаҳло» фирмасидан, «Сарбон» автокорхонасидан буюртмалар тушмоқда. Ўтган йили улар 1 миллион 490 минг сўмлик маҳсулот сотишди. Бу йилги мўлжаллари яна ҳам юқори.

Суратларда: корхона раҳбари Нуриддин Аъзамов ишчи Назира Одинаева билан калава сифатини кўздан кечирмоқда: уста Абдумажид Мирзаматов ишчи Нодира Жабборова билан.

Сурат ва матн муаллифи Даврон АҲМАД.

Олий ўқув юртларида: Фармон ва ижро

УМИД ВА ЁШЛИК — ЭГИЗАК

ШУ йил республика Вазирлар ҳамасининг «Ўзбекистоннинг 96 йилдаги ижтимоий-иқтисоий тараққиёти якунлари ҳамда 97 йилдаги иқтисодий ислоҳотнинг устивор йўналишларига ишланган мажлисдаги маърузида Президент И. А. Каримов идагиларни таъкидлаган эди: ўнги кун ёшлар билан мунтаз, кунт билан иш олиб бориш, еъдодли болаларни саралаш, рга чет элнинг яхши ўқув марларида малакали билим олиши учун шарт-шароитлар яратини тақозо этаяпти... Бу муамларни ечиш учун, демократик озор ислоҳотлари талабларикелиб чиққан ҳолда кадрлар ёрлаш бўйича давлат, жамият нсон фаолиятининг барча соларини қамрай оладиган махсус лий Дастур тузиш лозим».

Президентимизнинг юқоридаги ри унинг 1997 йил 8 январдақтидорли ёшларнинг чет элда лим олишларини қўллаб-қувваш «Умид» жамғармасини ту тўғрисидаги фармонидан кечиққан. Мазкур Фармонда қоялли ёшларнинг нуфузли халқ олимпиада ва танловларда ирок этишини ташкил қилиш, ри малакали мутахассислар ирлаш мақсадида истеъдодли арни танлаб олиш, уларни жаандозалари талаблари дарадаги илғор билимлар асосиҳсил олишлари, баркамол инва юксак маънавиятли, юқори акали мутахассис бўлиб етиларига моддий-маънавий ҳолик қилиш каби муҳим жиҳатназарда тутилган.

Юни айтиш керакки, Фармон осига тез киришилди. 1997 13 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасиси «Кадрлар тайёрлаш бўйича ий дастур тузиш»га оид фаршиш чиқди. Зеро, ҳукумат фарлари, фармойиши амалга ошмас экан, унинг қадри ва қудрати сусаяди ёки бўлмайди. Шу йил март ойининг охирги кунлари эди. Халқ таълими вазирлигига қарашли 6 та педагогика институлари- дан бири Ангрен шаҳрида жойлашган Тошкент вилоят Давлат педагогика институти ректори қабулхонаси гавжум бўлиб қолди. «Талабалардан танлаб чет элга ўқишга юборар эмиш», деган фикр тўпланганлар хаёлини тарк этмасди. Вилоят «Умид» ёшлар жамғармасининг вакиллари муносиб талабаларни саралашга киришдилар. Номзодлар чеҳраларига қарар эканман, масъулият, умид, интилиш қанчалик ширин ва масъулиятли руҳий ҳолат эканлигига яна бир бор ишондим. Айниқса, илк танловдан ўтган талабаларга оқ йўл тилар эканман, бу ҳиссиётим ўн чандон кўтарилди...

Институтимиз ташкил этилган 1966 йилдан буён унинг кундузги бўлимини 8 мингга яқин, сиртқи бўлимини эса 3800 дан ошиқ талаба тугатди. Шунинг ўзи ҳам мазкур даргоҳ турли ихтисосликлар бўйича кадрлар етишмай турган бугунги кунда халқ таълими соҳаларига кўплаб мутахассис- педагог, олим, жамоат арбоби етказиб берилаётганлигидан яққол далилдир. Ҳозир институтнинг 5 та факультетида 1857 талаба кундузги таълим тизимида 29 ихтисослик бўйича билим олмоқда. Бу унинг кенг имконияти ва илмий даргоҳлигидан далолат беради. Институтда 286 нафар профессор, ўқитувчи, 100 га яқин техник ва ёрдамчи ходимлар хизмат қилмоқдалар. Уларнинг орасида 5 фан доктори, 3 профессор, 84 фан номзоди, 53 доцент бор.

Маълумки, педагогика институтларининг вазифаси фақат ўқитувчилар етиштириш эмас. Аксинча, педагогика институти мураббий, муаллим, устоз тайёрлашнинг замини экан, у Ватан, мустақиллик, миллий ғурур, байналмиллалчилик, инсоф, адолат тушунчаларини бугунги ёшлар онгига сингдиришни, уларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашни ўзининг муқаддас бурчи деб билади.

Ана шуларни назарда тутган ҳолда, ТВДПИ раҳбарияти, жамоаси ёшлар билан ҳамкорликда ишлашнинг кенг, эркин йўлини танлади. Биринчи галда институт ётоқхонасидаги маиший-маданий шароит тартибга келтирилди. Агар 1996 йилнинг октябрь ойида ётоқхонада 68 ўрин бўш бўлса, бугунги кунда 30 дан ортиқ талабалар ётоқхонада яшаш учун навбатда турибдилар. Бунга маданий-маърифий шароит: ҳар бир қаватда дам олиш хонаси, кўчма кутубхона, маърифат ва маънавият хонасининг ишга тушиши, замонавий телевизор ва жиҳозлар билан таъминланиши, талабалар ҳаётига оид суҳбат, маърузаларнинг жонли, ибратли ташкил этилиши, навбатчи ўқитувчиларнинг консультациялари, ошхоналардаги овқат сифати юқорилиги ва 20-30 фоизга арзонлиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Яна бир жиҳатни қайд этмоқчимиз. Институтнинг фаол талабалари фақат маънавий жиҳатдан эмас, моддий томондан ҳам рағбатлантира бошланди. Бу яхши ва аъло билим, меҳнатга муносабат, жамоа ишига фидойиларча ёндошиш инъоми. Шу боис, илғорликка интилиш даражаси ошиб бормоқда.

Биз ёшлар билан ишлашни шунчаки, иқтисод ва маданий-маиший шароит билан бошламадик. Талаба яшаётган жойи, таҳсил манзилини ўз уйидек тасаввур этмас экан, у ердаги номақбул шароитдан безиб, ижара макон қидирар экан, таълим даргоҳи унинг лоқайд масканига айланади. Натижада у талабалар уйида яшамайди, дарсларга қатнашмаслик йўлини қидиради. Бу ўз-ўзидан паст давомат, суст ўзлаштириш, жиноят йўлига кириш ҳамда ёмон шериклларга ҳамроҳ деган гап.

Маълумки, барча таълим муассасаларининг иши, унинг энг охирги якуни — талабаларнинг ўзлаштиришидаги сифат белгиси билан баҳоланади. Бугунги кунда мамлакатимиздаги барча олий таълим муассасаларида 5 балли баҳо мезонидаги рейтинг тизимига ўтилмоқда. Рейтинг ҳам ўқитувчини, ҳам талабани ўз-ўзига сарҳисоб беришга, фаолиятига танқидий ривож нуқтаи назари билан қарашга ундайди. Энг муҳими, талабага баҳо бериш талаба + муаллим мулоқоти асосида эмас, балки инсон (талаба) фаолиятининг кўп қирраларини ўлчовчи бир қатор педагоглар баҳоси махсули сифатида вужудга келади. Шу боис, ТВДПИда рейтинг усулини кенг жорий этишга жиддий киришилди. Институт раҳбариятининг рейтинг натижаларини зудлик билан умумлаштириш, таҳлил орқали камчиликларни тугатиш ҳар бир талаба, гуруҳ, фан ўқитувчиси ва факультет фаолиятига ўзлаштириш мезони орқали баҳо бериш жорий қилинди. Институт бўйича маълумотлар банкини ташкил этиш ниятида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига ТВДПИ да махсус ЭҲМ ва компьютер марказини очиб, мутахассисларни жалб этиш таклифи киритилди. ХТВ бу таклифни маъқул билди ва қўллаб-қувватлади. Энди бу тадбир ҳар бир талаба, ўқитувчига таълим олиш ва бериш масъулиятини янада оширади, онда-сонда рўй берадиган субъектив қарашлар, сохта баҳоларнинг олдини олиши табиий.

Талабалар билим савиясини оширишини белгилашда одатдаги рейтинг тизимидан бошқа, масалан турли даражадаги олимпиадаларга қатнашиш ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Бу жиҳатда ТВДПИ шогирдлари ҳиссаси салмоқли десак, хато бўлмас. Масалан, 1995 йилда Республика бўйича ўтказилган фан олимпиадасида институт талабалари педагогика, психология (руҳшунослик) фанидан I ўринни, ўзбек тили ва адабиёти фанидан II ўринни эгалладилар. Чет тилидан ўтказилган олимпиадада МИ-20 гуруҳи талабаси Д. Дей, МФ-41 гуруҳидан Д. Шеров, РЕ-14 гуруҳидан Р. Масаидовлар шахсий биринчиликда аввалги ўринни эгалладилар. 1996 йилда ўтказилган Республика фан олимпиадалари янада кувончли натижа берди, ТВДПИ педагогика, иқтисодий география, табиий география фанларидан ўринни, кимёдан иккинчи, физика, психологиядан учинчи ўринни эгаллади. Бунда шахсий биринчиликни эгаллаган А. Қуроқбоева, О. Ким, М. Бекренова, С. Сомсақовлар бошқаларга ўрнак бўлишди.

Ёшларни камолга етказиш уларни ҳар томонлама интелектуалли юксак шахс қаторида кўриш фақат билим бериш билан амалга ошмаслиги маълум. Бунга тенг даражада Ватан, она ерга чексиз муҳаббат, бизни ўраб турган табиатни асраб-авайлаш, покизалик ва ободонлаштиришни табиатимиз-характеримиз мезонига айлантириш ҳам туради. Институтимиз жойлашган Ангрен шаҳри Қурама тоғ тизмалари ён бағрига жойлашган бўлиб сўлим табиати, чиройли манзараси билан диққатни тортади. Шу қатори, бу саноат ва кимёгарлар шаҳри. Ана шу икки қутб: сўлим табиат ва мамлакат иқтисодиёти учун зарур, аммо атроф-муҳит учун оз бўлса-да зарарли корхоналар мутаносиблигини сақлашда ҳам ёшлар мавқеи алоҳида ўринга эга. Бу борада институт кимё, биология, география, тиббиёт кафедралари устозлари, талабалар корхоналар билан атроф-муҳитни булғашнинг олдини олиш бўйича ҳамкорликни режалаштирмоқдалар. Муаммолар талайгина. Шу боис, институт қошида махсус халқаро ЭКОСАН жамиятининг Ангрен шаҳридаги кўчма маркази ташкил этилди. Унинг ўз ҳисоб рақами, муҳри, ходимлари бор.

Марказ барча экологик, саноат ва ишлаб чиқариш муаммоларини корхоналар билан бирга ҳал этишга тайёр. Бунинг учун дастлабки илмий талабга жавоб берадиган асбоб-ускуна, илмий салоҳият, ишчи кучи мавжуд. Гап эътибор, ҳамкорлик ва ғайрат, албатта юртга бўлган туганмас меҳрда!

Яқинда Институт жамоаси Ангрен шаҳри ҳокимияти билан ўқув даргоҳимиз ёнидаги 18 гектарли қурилган, аммо маълум даражада қаровсиз қолган шаҳар дам олиш боғини оталиққа олди. Талаба ва ўқитувчилар бу таклифни бажонидил қабул қилдилар. Институт ўз кучи билан боғни ободонлаштиради, моддий, техника кўмагини ҳокимият бажаради. Боғдан турли тадбирлар, байрам ва тантаналарни ўтказишда институт ва ҳокимият тенг фойдаланади. Шубҳасиз, бу ҳамкорлик шаҳар кўркини очишга, маҳаллий ҳокимият ва таълим даргоҳи яқинлигига ёрдам беради.

Ёш мутахассис тайёрлашга оид бир таклиф: ТВДПИ Тошкент вилояти ва атроф вилоятлардан абитуриентларни ўқишга қабул қилиб, мутахассис тайёрлайди. 1997-98 ўқув йили учун 425 абитуриент қабул қилиш режалаштирилди. Бу фақат кундузги таълим бўлимига оид. Сиртқи таълим тўхтатилганлиги сабабли жуда кўп сонли таълим даргоҳида ишлаётган ўқитувчилар ихтисослик даражаларини ошира олмаётирлар. Ваҳоланки, фақат Тошкент вилояти мактабларига 1997-98 ўқув йили учун 2300 ўқитувчи зарур бўлса, 2002 йилга бориб бу кўрсаткич 4068 кишини ташкил этади. Айниқса, чет тили, меҳнат, жисмоний тарбия, бошланғич таълим, она тили ва адабиёт, математика, тарих, миллий мактабларда рус тили ва адабиёти ва бошқа фанларга эҳтиёж кўп. Далилларга мурожаат этайлик. Масалан, чет тилидан 1998 йилда 293, 2002 йилга келиб эса 1732 ўқитувчи зарур бўлади. Бу кўрсаткич мос равишда жисмоний тарбия 188 ва 1404, меҳнатдан 97 ва 960, педагогика ва бошланғич таълим 298 ва 698, тарих 265 ва 719 ни ташкил этади. Бу ўз-ўзидан сиртқи таълимни қайта тиклаш ва талабалар қабулини йўлга қўйишни тақозо қилади.

Биз бу нисбатан кичик мақолада ТВДПИ даги ёш мутахассисларни тайёрлаш бўйича олиб борилаётган кундалик ишимиздан лавҳалар келтирдик. Ҳали бажариладиган, бугунги талаб ва рақобатбардош мутахассис тайёрлашнинг истиқболдаги қарашларимиз даражасига етиш учун кўп иш қилиш лозим. Бу таълим сифатини янада ошириш, талабалар орасидаги қонун ва тартиббузарликка мутлақо чек қўйиш. Ватаннинг саждагоҳ эканлиги, унинг тупроғини кўзга сурма этиб суртиш ҳам озлигини ҳар бир талаба қалбига сингдириш, янада муҳими етук, илмли, тажрибали педагог-олим, шахс бўлиш туйғусини уларнинг дилларига мустаҳкам жо этишдир. Умид борким, ниятга етамиз.

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ, Тошкент вилоят Давлат педагогика институти ректори.

БАРАКА НИҲОЛИ

оятимизда шу кунгача 40 минг гектар ерга чигит экилди. Пленка а экилган уруғликнинг 5 минг гектарга яқини униб чиқди. Бугун-эрта абки майдонларда ғўзага ишлов бериш бошланади

онда Ҳамид Олимжон номли жамоа инг бригада бошлиғи Жумақул Эрга- учрашиб қолдик.

тни экиб бўлдик, — деди у мамнун- — Олди пайкалларда уруғ текис униб

ан 70 гектар ернинг ярмидан кўп қис- г текис кўкариб чиқипти. Бу — оддий лган майдонлар. Уруғ пленка остига пайкалларда эса ниҳоллар кўзни ку- «Озод» жамоа хўжалигининг Ўктам бошлиқ бригадаси 52 гектар майдон- асига андижонча усулда чигит экди. а пайкалларда ниҳоллар қўшқулоқ бў- қўрғон», Акмал Икромов номли, Охун- мли, «Қаҳрамон» жамоа хўжаликла- гектардан ортиқ майдонларда уруғ ариб, ниҳоллар баравж ўсмоқда. 1060 а янгича усулда чигит экиб бўлган гарчи тез-тез ёмғир ёғиб турган бўл- етилиши билан экишни авж олдир- Оққўрғонликлар бу йил 14,7 минг гек- а етиштириб, 39 минг тонналик хир- ишни режалаштиришган. Улар экиш- казиб, мўл ҳосилга дастлабки замин ар.

чигит экишни барвақт ўтказган деҳ- . Буни яхши тушунган чинозликлар қиқадан самарали фойдаланиб, плен- руғ экишни тугалладилар. Қуйичир- ўл, Бекобод туманлари хўжаликлари- иш ниҳоясига етмоқда. Янгийўлдаги ев номли, А. Ортиқов номли, «Қо- оа хўжаликлари ғўза қатор оралари- га дастлабки ишлов беришга тайёргарлик кўришмоқда.

Вилоят далаларида 1461 та селяка очиқ усулда, 310 та сеялка эса пленка остига чигит экмоқда. Кунига 9,5 минг гектарга барака уруғи ташланмоқда.

— Ҳозирги куннинг энг муҳим вазифаси чигитни тезроқ ва сифатли қилиб экиб олишдан иборат, — дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг етакчи мутахассиси Турсунбой Комилов. — Бу йил пленка остига биринчи марта уруғ экилаётгани сабабли хўжаликларда тузилган комиссиялар қатор ораларини қайта-қайта текшириб чиқмоқлари даркор. Экилаётган жойларда эса албатта, азот ўғитлари йиллик миқдорининг 50-60 фоиз қисми солиниши лозим. Негаки, кейинроқ, ғўза гуллагунга қадар экинни озиқлантириб бўлмайди. Оддий усулда экилаётган майдонларда ҳам ана шундай усул қўлланилади.

Ишнинг кўзини билган деҳқон ва мутахассислар экишни давом эттириш билан бирга қатор ораларига ишлов берадиган техникани ҳам тайёрлаб қўйишяпти. Ҳарорат ва тупроқ нами етарли. Барча куч чигитни ернинг табиий намига ундириб олишга сафарбар этилиши лозим.

• Ушбу кўзни қувонтирувчи тасвирларни суратка ш мухбиримиз Даврон Аҳмад Қуйичирчиқ туманидаги «Ўжакент» жамоа хўжалиги далаларида олган. Бу хўжалик деҳқонлари туманда биринчилар қатори чигит экишни тугалламоқдалар. 100 гектар пленка остига экилган уруғлик тўлиқ униб чиқди.

Хориждан хабарлар

●Лондонда чиқадиган «Санди таймс» газетасининг ёзишича, ҳозир Англияда энг бой киши Жозеф Льюсдир. Шу кунгача, унинг жами капитали 3 миллиард фунт стерлингга етган. Ушбу рўйхатдаги иккинчи ўрин эса 71 ёшли Ханс Раузингга тегишлидир. Унинг бойлиги 2 миллиард 950 миллион фунт стерлингни ташкил қилди. Бир вақтлар мамлакатдаги энг бой киши ҳисобланган Буюк Британия қироличаси Елизавета II нинг бойлиги эса бор-йўғи 250 миллион фунт стерлингни ташкил этди. Кузатувчиларнинг таъкидлашича, Буюк Британияда айни пайтда 16 нафар миллиардер истиқомат қилади.

* * *

●Туркманистонда бу йил 6 миллион тонна нефт ҳамда 53 миялиард куб метр газ ишлаб чиқарилади. Туркманистон президентининг «1997 йилда Туркманистонда нефт, газ ва газ конденсати ишлаб чиқаришни таъминлаш дастурини тасдиқлаш» ҳақида эълон қилингач, Туркманистонга ушбу соҳани ривожлантириш учун 470 миллион АҚШ доллари миқдоридаги хорижий сармоя киритилиши кўзда тутилмоқда.

* * *

●Жанубий Африканинг бир гуруҳ олимлари Европа коинотни ўрганиш агентлиги билан ҳамкорликда катта кашфиётни амалга оширди. Улар «Хиппаркос» йўлдоши орқали олинган маълумотларга таяниб, коинотнинг кенглиги ҳозирга қадар тахмин қилиб келинган катталикдан 10 фоиз кенгроқдир, деган фикрга келишди. Олимлар энг олисда жойлашган юлдузларни ўрганиш натижасида коинотнинг нафақат катталиги балки, унинг ёши ҳақида ҳам аниқ бир тўхтамга келиш мумкин, демоқдалар.

* * *

●Америкалик кинорежиссёр Жорж Лукас суратга олган «Юлдузлараро жанг» фильми янги таҳрирда Америка кинотеатрлари экранларига чиқарилди ва энг кассабоп кино, деб тан олинди. Ушбу фильм икки ҳафта ичида 77 миллион АҚШ доллари миқдорида даромад келтиришга муваффақ бўлди. Шундай қилиб, «Юлдузлараро жанг» кинофильмидан олинган умумий фойда 400 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Шу вақтгача энг кассабоп кино деб, тан олинган Стевен Спилбергнинг «Келгинди» номли бадиий фильми эса иккинчи ўринга тушиб қолди.

(Ўзэ).

РС ИККИ ЎЛДАН

МАДЖОН Фозилов амоа хўжалиги ининг ўз ҳудудида- ўқитувчилари ва ни ижтимоий ҳи- борасида қилаётт- тли ишлари тўғри- ларни эшитиб, Аб- в номли жамоа хў- и мактаб жамоаси ирди.

рангки, хўжаликни- ҳаҳбарлиги ишни моасининг орзула- бга чиқаришдан Ишни амалга оши- лдин ҳисоб-китоб имконият қидирил- ди ва топилди. Шундан сўнг, мактаб ўқитувчиларининг йўл кираси ҳақини жамоа хўжалиги ўз ҳисобидан тўлайдиган бўлди. Бундан ташқари, мактабнинг 9—10 синф ўқувчилари ҳар бирига 600 сўмдан стипендия тайинлади.

Қарс икки қўлдан деганларидек, хўжалик маъмурияти билан мактаб жамоаси ўртасида алоқалар мустаҳкамланди. Маъмурият вакиллари мактабга тез-тез келиб, суҳбат ўтказиб, уларнинг эҳтиёжлари, талабларини ўрганиб, бошқа тадбирларни ҳам амалга ошира бошлади. Хусусан, мактаб ўқувчиларининг вақти-вақти билан Тошкент шаҳрининг энг диққатга сазовор жойларини сайр қилдириб келиш одатга айланиб қолмоқда.

Хўжаликнинг саҳовати, кўрсатаётган мурувватидан руҳланган мактаб жамоаси ўқитиш, таълим-тарбия ишларининг савиясини ҳар жиҳатдан кўтариш учун қўлидан келган ҳамма ишни қилмоқда.

СУВ БАЙРАМИ

ХЎЖАЛИКДА экинларнинг ҳосилдорлиги, олинадиган соф даромад, табиийки, деҳқон ва боғбонларнинг ердан қанчалик самарадорлик билан фойдаланишига боғлиқдир. Лекин, диққат билан эришилаётган натижалар, қилинаётган ишлар таҳлил қилингач, шу нарса маълум бўлдики, хўжаликдаги 2 та бригадага сув вақтида етиб бормас, натижада, мазкур бригадалар деҳқонларининг ҳафсаласи пир бўлиб, экинтикин ишларида фаоллик билан қатнашмас эдилар. Хўжалик маъмурияти бу муаммони зудлик билан ҳал қилишга киришди. Аҳолига мурожаат қилиб, катта ҳашар уюштирди ва қисқа вақт ичида Қирариқ канали суви равон оқадиган қилиб тозаланди. Эндиликда барча бригадаларга сувнинг бир текис етиб бориши таъминланди.

Яқинда ана шу Қирариқ тепасида хўжаликка меҳнати сингган фахрийлар, тажрибакор деҳқонлардан юзга яқин киши иштирокида хайр-эҳсон ўтказилди. Қўй сўйилди, ош дамланди. Шу ерда меҳнат қилиб, ўтган боғбонлар, соҳибкорлар руҳи шод этилди. Ана шундан сўнг оқсоқоллар наврўз байрами арафасида хўжаликнинг бундан буёнги ишлари ҳар жиҳатдан баракали бўлсин, деб фотиҳа бердилар.

Хўжаликда ишлар ҳар жиҳатдан ривожланиб бормоқда. Деҳқонлар, боғбонлар бу йил ҳосилдорликни кескин ошириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Бир хўжалик янгиликлари

КЎЧАТНИ ЎЗЛАРИ ТАЙЁРЛАЙДИЛАР

БОҒДОРЧИЛИК ва узумчиликда ҳосилдорликнинг юқори бўлиши, маҳсулот сифати кўп жиҳатдан қайси хил, қайси навдаги мева ва узум етиштирилишига боғлиқдир. Бунинг учун эса аввало кўчат ишончли ва сара бўлиши керак. Буни ҳисобга олган ва асосан боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган жамоа хўжалиги деҳқонлари янги йилдан бошлаб узумнинг ҳам, мевали дарахтларнинг кўчатларини ҳам ўзлари тайёрлашга аҳд қилдилар. Ишни узумчиликдан бошладилар. Ўтган йили кузда боғбонлар узумнинг халқ севиб истеъмол қиладиган тоифи хўраки навидан 20 мингдан ортиқ қаламча тайёрлаб, кўмиб қўйган эдилар. Яқинда ана шу қаламчалар яхшилаб тайёрланган ерларга экилди. Бу ишга энг уста соҳибкор ва боғбон масъул қилиб тайинланди. Кузга бориб кўчатлар тайёр бўлгач, уни хўжаликдаги бошқа соҳибкор деҳқонларга тақсимлаб берилади.

Келгуси йилдан бошлаб мевали дарахтларнинг кўчатларини ҳам Шредер номли боғдорчилик ва узумчилик бирлашмаси олимлари билан ҳамкорликда ўзлари тайёрлашга киришадилар.

Носир РИҲСИЕВ,
Тошкент тумани.

АНБА, 14

I

Ўзбекистон!». Тонгги дам
танома».
*
ефильм» намойиш этади:
нцерт.
мати».
пайида». Бадиий фильм. 5-
ар.
они билмакдир». Публицис-
из таянчи».
ов. «Аршин мол-алан». Аб-
идаги Ўзбек Давлат драма
кли.
чун, «Оқ руҳ».
адбиркорлари».
инаник бузоқча». Мульт-
он телерадиокомпанияси
к оркестрининг концерти.
гиликлар.
* * *
ар тартиби.
ар.
садолар.
арҳи.
дан сўнг». Телесериал.
а шеърият».
(рус тилида).
анк хабарлари.
аклари.
жак сари».
рос». Мумтоз наволар.
блицистик кўрсатув.
...»
лара». Телесериал.
налар.
тан тимсоллари».
II
. Мульттўплам.
ъаси».
ий олам».
тли». Қизиқарли дастур.
(рус тилида).
баридан чиққан фириб-
ал.
ъаси».
а Эълонлар.
».
ҳалар».
ъаси».
рбара». Телевизион ба-
далик.
III
).
*
сия жамоат телевидение-
*
. Тежемурнал.
*
сия давлат телевидение-
*
эллик». Бадиий фильм
гиликлар.
IV
кия телевидениеси.
*
р анонси.
сель».
иклар мактаби». Телесе-
анс. «Шарпа». Бадиий
ҳокимият». Одамлар ва
раф. «Тунги талваса». Те-
м».
йрли тун!»

СЕШАНБА, 15

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Яхши кайфият». Мусиқий дастур.
8.55 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Истиқболга интилиб», Публицистик кўрсатув.

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Адабиёт.
11.00 Инглиз тили.
*
11.30 Болалар учун. «Орзу».
12.00 «Сиртқи телевизион олимпиада».
12.30 Ўзбек қуйларидан концерт.
13.00 «Оламни асранг».
13.30 Ёпон дзюдочилари Тошкентда.
14.00—14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Спорт, спорт, спорт».
18.25 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Санъат дўстликка чорлайди».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VIII сессияси олдидан.
21.20 ЎзТВ хазинасидан. А. Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига. «Кеча ва кундуз». Видеофильм. 4-қисм.
22.25 «Альманах-ТВ».
23.00 «Замон».
23.10 «Европа таассуротлари».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15—00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Сизнинг имконият».
18.35 «Дойче Велле» тақдим этади...
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.50 Кундалик.
22.55 «Спорт қитъаси».
23.25 «Акс».
23.45 «Дойче Велле» тақдим этади...
00.10 — 00.20 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.
*
6.30 — 8.00, 17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 «Товонбаликдан эҳтиёт бўлинг», «Алданган алдоқчилар». Мультфильмлар.
*
21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
22.45 — 22.50 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун». Ахборотдам олиш кўрсатуви.
19.20 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.50 «Солиқлар ҳақида сабоқлар».
20.05 «Дорихона эшитади...»
20.45 Эълонлар.
20.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
21.40 «ТВ IV да немис тўлқини».
22.00 Эълонлар.
22.05 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
22.55 «Америкага бир назар».
23.25 — 23.35 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 16

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Машрабни қуйлаб». Фильм-концерт.
9.05 «Альманах-ТВ».
9.40 «Тараққиёт». Публицистик кўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Оналар мактаби».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 «Сиртқи телевизион олимпиада».
*
11.30 «Умид учқунлари». Тележурнал.
12.00 З. Шодиева. «Пешонага битилгани». Теленовелла.
12.30 «Қишлоқ стадионларида».
12.50 Шифокор экрани.
13.15 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
13.45 Хиванинг 2500 йиллигига. «Ипак йўлидаги қадимий шаҳар».
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.05 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Хазина». Мультфильм.
18.20 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур...».
18.25 «Замон билан ҳамнафас».
18.40 «Галатепалик Авлиё». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
19.05 «Катта танаффус» янгиликлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Тасаввур олами».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Дилнавоз садолар.
21.45 Маънавият. «Тафаррук қадамжолар».
22.10 «15 дақиқа спорт ҳақида».
22.25 «Автоолам».
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Олтин мерос «Шоҳизинда». Манзарали фильм.
00.05 Тунги тароналар.
00.25—00.35 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.40 «Спорт қитъаси».
18.50 «Дойче Велле» тақдим этади...
19.10 «Ёром онлари». Концерт.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VIII сессияси олдидан.
21.20 «Олтин мерос». Мумтоз наволар.
21.35 Иймон. «Ҳазрати Усмон Қуръони». «Ўзбектелефильм» премьераси.
21.55 ЎзТВ хазинасидан. А. Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига. «Кеча ва кундуз». Видеофильм. 5-қисм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.25 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 «Спорт қитъаси».
9.30 «Ғайритабиий олам».
9.45 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
10.05 «Услуб».
10.10 «Бебаҳо лаҳзалар».
10.20 «Акс».
10.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
11.00 «Дунё бўйлаб».
11.50 — 13.30 «Кинонигоҳ».
* * *
18.00 Кундалик.
18.10 Бугун пайшанба дастурида.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Сувости дунёси».
19.20 «Ёром онлари». Концерт.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Маърифатнома».
22.00 «Ривоят».
22.10 Бешинчи рукн. «Ҳажнома». Ҳужжатли-маърифий фильм.
23.05 Эртага — шанба.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Мақом кечаси.
00.35 — 00.45 «Ватан тимсоллари».

22.00 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
22.50 «Экстремал ўйинлар».
23.40 «Бу ажиб дунё».
24.00 — 00.10 «Хайрли тун!»

ПАЙШАНБА, 17

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Номаълум Бухоро».
8.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Нуроний». Тележурнал.

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Ботаника.
11.00 Ўзбек тилини ўрганамиз.
11.30 Умумий биология.
*
12.00 «Халқ ижодиёти».
12.30 «Янги кун». «Томоша» болалар ансамблининг сахналаштирилган янги концерт дастури.
13.30 «Сирли сандиқ». Телевизион ўйин.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.30 «Нури иймоним». Носир Алимаҳсумов.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «2000-йилдан сўнг»: Телесериал.
18.30 «Билиб қўйган яхши».
18.40 «Олов дамини даф этиб...»
19.00 «Катта танаффус».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VIII сессияси олдидан.
21.20 «Олтин мерос». Мумтоз наволар.
21.35 Иймон. «Ҳазрати Усмон Қуръони». «Ўзбектелефильм» премьераси.
21.55 ЎзТВ хазинасидан. А. Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига. «Кеча ва кундуз». Видеофильм. 5-қисм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.25 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 «Пайғамбар». Иброҳим Халилуллоҳ ҳақида достон. 1-қисм.
9.30 «Бугуннинг боласи».
9.50 «Уйғониш лаҳзалари».
10.05 «Жозиба».
10.15 «Пайғамбар». Иброҳим Халилуллоҳ ҳақида достон. 2-қисм.
10.25 «Олтин кент».
10.40 «Жозиба».
10.55 «Пайғамбар». Иброҳим Халилуллоҳ ҳақида достон. 3-қисм.
11.05 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
11.30 Видео—«О».
13.00 — 13.30 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор эканда, йўқ экан...»
18.35 «XXI аср фарзандлари».
18.50 «Телевидение ва театр».
19.10 «Ором онлари». Концерт.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Сизлардан ишорат». Мусиқий дастур.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Рисола». Бадиий фильм. 1-серия.
22.45 «Ҳанда дўкони».
23.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.55 — 00.05 «Даракчи».

III

17.15 Янгиликлар.
*
6.30 — 8.00, 17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 «Баҳор лавҳалари». Манзарали телефильм.
*
21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Телевизион бадиий фильм. 4-серия.
22.35 «Регистон узра наволар». Фильм-концерт.
23.05 — 23.10 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.35 «Умид чечаклари».
20.05 «Маънавият ва Ислом».
20.35 Эълонлар.
20.40 «Инспектор Фрост». Телесериал.
21.30 «Уй остонадан бошланади».
22.00 «Мардона йигитлар».
22.30 «Жума куни, ишдан сўнг».
23.10 «Бу бўстон аро...»
23.40 «Олам ва одам».
00.05 — 00.15 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 18

ИЙД ҚУРБОН ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК!

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Чустий. «Индамаслар диёри». Адабий-мусиқий композиция.
8.50 «Юзма-юз».
9.10 «Катта танаффус». Телеўйин.
9.35 «Ҳаммаси маҳалладан бошланади».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қушигим, жон қушигим».
10.45 «Юлдузингни бер, осмон». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
12.05 Кекса санъаткорлар.
12.35 «Нонни босган қизча ҳақида». Мультфильм.
12.45 Уйғун, Иззат Султон. «Алишер Навоий». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.15 Уйғун, Иззат Султон. «Алишер Навоий». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 2-қисм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Шукрона».
18.25 «Нима учун?»
18.40 «Морена Клара». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Бизнес ҳафта якунлари.
20.05 Дилнавоз садолар.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Маърифатнома».
22.00 «Ривоят».
22.10 Бешинчи рукн. «Ҳажнома». Ҳужжатли-маърифий фильм.
23.05 Эртага — шанба.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Мақом кечаси.
00.35 — 00.45 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 «Пайғамбар». Иброҳим Халилуллоҳ ҳақида достон. 1-қисм.
9.30 «Бугуннинг боласи».
9.50 «Уйғониш лаҳзалари».
10.05 «Жозиба».
10.15 «Пайғамбар». Иброҳим Халилуллоҳ ҳақида достон. 2-қисм.
10.25 «Олтин кент».
10.40 «Жозиба».
10.55 «Пайғамбар». Иброҳим Халилуллоҳ ҳақида достон. 3-қисм.
11.05 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
11.30 Видео—«О».
13.00 — 13.30 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор эканда, йўқ экан...»
18.35 «XXI аср фарзандлари».
18.50 «Телевидение ва театр».
19.10 «Ором онлари». Концерт.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Сизлардан ишорат». Мусиқий дастур.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Рисола». Бадиий фильм. 1-серия.
22.45 «Ҳанда дўкони».
23.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.55 — 00.05 «Даракчи».

III

17.15 Янгиликлар.
*
6.30 — 8.00, 17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 «Баҳор лавҳалари». Манзарали телефильм.
*
21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Телевизион бадиий фильм. 4-серия.
22.35 «Регистон узра наволар». Фильм-концерт.
23.05 — 23.10 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.35 «Умид чечаклари».
20.05 «Маънавият ва Ислом».
20.35 Эълонлар.
20.40 «Инспектор Фрост». Телесериал.
21.30 «Уй остонадан бошланади».
22.00 «Мардона йигитлар».
22.30 «Жума куни, ишдан сўнг».
23.10 «Бу бўстон аро...»
23.40 «Олам ва одам».
00.05 — 00.15 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 19

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Бешинчи рукн. «Ҳажнома». Ҳужжатли-маърифий фильм.
9.30 Эстрада тароналари.
10.00 «Морена Клара». Телесериал.

«Ёшлик» студияси намойиш этади:

10.45 «Талабалар сахнасида».
11.15 «Оқибат».
*
11.35 Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 26-қисм.
12.10 «Болалигим — пошшолигим». Видеоканал.
12.40 «Силовсин овга чиқди». Бадиий фильм.
13.45 — 15.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» (Фарғона) — «МҲСК» (ёзиб олинган).
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совга».
18.20 «Ўзбек спортининг олтин саҳифалари».
18.35 «Ранглар жилоси».
18.50 XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан. «Тараддуд».
19.05 «Ҳайрат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Рақслар гулдастаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.30 «Бизнес-академия».
21.50 Дилнавоз садолар.
22.00 Диққат, премьера: Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 27-қисм.
22.35 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» (Тошкент) — «Дўстлик» (Тошкент вилояти) 2-тайм.

«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:

23.20 «Мусиқий саёҳат».
23.35 «Жаҳон киноси юлдузлари».
23.50 «Азиз Маҳмуд йўли». Бадиий фильм.

II

9.00 «Бор эканда, йўқ экан...»
9.20 «XXI аср фарзандлари».
9.35 «Телевидение ва театр».
9.55 «Ором онлари». Концерт.
10.10 «Сизлардан ишорат».
10.40 «Ханда дўкони».
11.00 «Кинонигоҳ».
12.45 — 13.15 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Кўзмунчоқ».
18.55 «Кулги дарғалари». Чарли Чаплин.
19.10 «Дубляж».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дармон».
20.10 «Жозиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.

«Шанба оқшоми». Дам олиш дастури.

21.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
21.25 «Спорт қитъаси».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Рисола». Бадиий фильм. 2-серия.
23.40 — 23.50 «Даракчи».

III

17.30 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
*
18.05 — 22.35 Россия жамоат телевидениеси.
*
22.35 Эълонлар.
22.40 «Енимга кел, муҳаббатим». Бадиий фильм. 1-серия (Ҳиндистон).
24.00 — 00.20 «Тошда акс этган қўёш». Телефильм.

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 Кининг олтин асри. «Френч Канкан». Бадиий фильм (Франция).
10.50 Эълонлар.
10.55 «Рақслар қанотида».
11.25 Сиз учун учрашувлар.
11.55 «Шанба эртаги».
12.55 «Болалар дейишади...»
13.00 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
13.45 — 14.05 Корейс тилини ўрганамиз.
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Шанба оқшомида».
19.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.05 «Чинсан».
20.35 «Қурбон ҳайити — тинчлик ва эзгулик байрами».
20.55 «Спектаклдан сўнг».
21.20 «Болалар дейишади...»
21.25 Эълонлар.
21.30 Кининг олтин асри. «Ажабтовур Фауст». Бадиий фильм.
23.00 «5 дақиқа ўзинг учун».
23.10 «Хит-коллекция».
23.30 «Бу ажиб дунё».
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!»

ЯКШАНБА, 20

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак».
9.15 «Қувноқ стартлар».
10.00 «Ватанимизга хизмат қиламан».
11.00 «Ҳамёндаги мўъжизалар ёки...»
11.15 «Пойинтар-сойинтар».
11.25 Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 27-қисм.
12.00 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.40 «Тухфа».
12.50 «Келгуси ҳафтада».
13.05 «Бу мунис лаҳзалар».
13.25 «Елғиз ўзи из қувлади». Бадиий фильм. 1-серия.
14.45 «Интер-футбол».
15.20 — 15.30 «Тақвим».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Мультипанорама».
18.20 «Қотиллик пайда». Бадиий фильм. 6-серия.
19.15 «Соғинч».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Бир ўлка-ки...»
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Мусиқа салтанати».
21.25 «Шаҳс ва баҳс».
21.50 Диққат, премьера: Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 28-қисм.
22.35 «Футбол олами».
23.00 «Келгуси ҳафтада».
23.15 Дилнавоз садолар.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан. «Уч қирол жанги» Телевизион бадиий фильм. 1—2-серия.
01.40 «Тақвим».
01.50 — 01.55 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Боланинг тили...»
9.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.45 Болажонлар экрани.
11.00 «Мухлис-ТВ 2».
11.15 «Табиат шифохонаси».
11.30 «7 дан 70 гача».
11.40 «Унутилмас тасмалар».
13.00 «Мафтунк

XII Тошкент халқаро кинофестивали олдидан

«ШАРҚ»ДА ЧОП ЭТИЛАДИ

ҲАР ҚАНДАЙ халқаро анжуманни иш қоғозларисиз, маълумотномалар-у, реклама нашрларисиз тасаввур этиш қийин. Хусусан, XII Тошкент халқаро кинофестивалини ҳам. Мазкур маҳсулотларнинг барини нашрга тайёрлаш иши билан эса, махсус реклама-нашриёт хизмати шуғулланади. Киноанжуманнинг бу хизмати фаолиятига «Самандар» Ўзбекистон-Ҳиндистон қўшма корхонаси Бош директори «Фильм S» журналининг бош муҳаррири М. А. Каримова раҳбарлик қилмоқда.

— Мухтабар Абдулҳаевна, кинофестивал реклама-нашриёт хизмати фаолияти доирасига нималар киради?

— Бизнинг гуруҳимиз фестиваль меҳмонлари ва қатнашчиларига анжуман кунлари зарур бўлиши мумкин бўлган барча босма ахборотлар-у ҳужжатларни нашрга ҳозирлаб, босмахонада вақтида чоп этилишини таъминлайди. Маълумки, бошқа халқаро анжуманлардаги каби XII Тошкент халқаро кинофестивалининг ҳам ўз тартиб-қоидалари битилган регламенти, кўрсатиладиган хизматлар номи, жойи ва телефон рақамлари битилган маълумотномалари, тадбир ўтказиладиган кунлар дастури ва бошқа кўплаб ҳужжатлар мавжуд. Қўйингки, анжуман ташкилий қўмитаси ва бош дирекцияси бланкаларидан тортиб, иштирокчиларни меҳмонхонага жойлаштириш ордерларигача, фестивал плакатларидан дипломларигача, таомномалардан рухсатномаларгача, жами қирқдан ошиқ маҳсулотлар бизнинг гуруҳ томонидан нашрга ҳозирланади.

— Гуруҳга кимлар жалб қилинган?

— Хизмат гуруҳи негизини «Фильм S» журнали таҳририяти аъзолари ташкил қиладилар. Барча ходимларнинг бир ерда ишлаши, иш услубининг мутаносиблиги, қолаверса, босмахонага яқинлик — ҳар томонлама қўл келувчи омиллардир. Фестивал Бош дирекцияси шуларни ҳисобга олган ҳолда ушбу таклифни маъқул кўрди.

— Юқорида тилга олинган ҳужжатлар, плакатлар қайси рассомлар томонидан тайёрланаяпти?

— Ахборот берувчи ҳужжатлар муқоваларини, иш ҳужжатлари намуналари, дипломлар рассом Владимир Шишкин томонидан ҳозирланмоқда. Фестивал плакатларига келсак, уни мусаввир Сергей Аванесов безамоқда. Шу ўринда бу плакатлардаги манзаралар слайдларини суратқаш Равиль Яруллин тасвирга туширганини айтиб ўтиш лозим.

— Бу маҳсулотлар қайси босмахонада чоп этилади?

— Анъанага кўра, фестиваль рангли нашрлари «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонасида чоп этилади. Аммо, Тошкентдаги бошқа босмахоналар учун ҳам анча-мунча иш бор. Шу пайтгача, босмахоналар жамоалари аввалги киноанжуманлар босма маҳсулотларини аъло даражада чоп этиб, барчамизни хушнуд этишганди. Ўйлаймизки, навбатдаги кинофестиваль ҳам бундан мустасно бўлмас.

Убайдулла АБДУШОҲИДОВ суҳбатлашди.

СПОРТСПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**

«ПАХТАКОР» — «НАВБАҲОР» ДУРАНГИ...

МҲСК ва «Дўстлик» фойдасига

МАМЛАКАТ биринчилиги олий табақасида беш турдан сўнг давом этиб келган қўшпешқадамлик барҳам топди. МҲСК Термизда «Сурхон»ни 3:0 ҳисобида енгиб, очколарини 18 тага етказгач, эртаси кун иккинчи пешқадам «Пахтакор» олдида мураккаб вазифа турарди. Тошкентликлар мавқеларини бериб қўймасликлари учун ўтган йилги мамлакат чемпиони «Навбахор»ни енгишлари лозим эди. Бироқ, бу жамоаларнинг ўзаро баҳси бошланиши биланоқ меҳмонларнинг омади чопди. Иккинчи дақиқада Олег Шацких ҳисобни очди. 27-дақақада эса Қаҳрамон Абдуқодиров Павел Бугало дарвозасига иккинчи тўпни киритди. Бироқ бу муваффақиятсизликдан руҳан тушмаган пахтакорчилар ҳужумга зўр бердилар. Орадан кўп ўтмай меҳмонлар ўз жарима майдонларида ўйин қоидасини буздилар ва учрашув ҳаками Гали Имомов ўн бир метрлик белгини кўрсатди. Азамат Абдураимов орадаги фарқни қисқартирди. Иккинчи бўлимда ҳам мезбонлар фаол харакат қилдилар ва 72-дақиқада Станислав Моргулис боши билан иккинчи тўпни киритди. Учрашув интихосида намангганликлар икки-уч бор қулай имкониятдан фодалана олмадилар. Кескин ва қизиқарли ўтган учрашув 2:2 ҳисобида дуранг бўлиб тугади. Бу дуранг... МҲСК ва «Дўстлик» жамоаларига кўл келди. Армиячилар якка пешқадам бўлиб олишган бўлса, «Дўстлик» ҳозирча «Навбаҳор»дан икки қадам олдинга ўтиб олди. Бу фарқ янада каттароқ бўлиши мумкин эди. Бироқ вилоятимиз футболчилари намангганликлар сингари сафардаги учрашувда рақиблари дарвозасига иккита тўп киритиб, ютуқни сақлаб қололмадилар. «Дўстлик» сафарда «Янгиер» билан бўлган баҳснинг тўртинчи дақиқасида ҳисобни очди. Фарид Хабибулин мезбонларни ўйинни марказдан бошлашга мажбур этди. 30-дақиқада эса Отабек Пирматов «Янгиер» дарвозасига иккинчи тўпни киритди. Танаффусдан сўнг майдон эгалари ташаббусни қўлларига олиб, ҳисобни тенглаштиришга (тўпларни 55-дақиқада Т. Шабанов ва 62-дақиқада С. Шариповлар киритди) муваффақ бўлдилар.

Энг йирик ҳисоб Фарғонада қайд этилди. «Нефтчи» «Хоразм» футболчилари дарвозасига 7 та тўп киритиб, ўз дарвозаларидан атиги битта тўп ўтказиб юборди. Мазкур турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Чилонзор» — «Насаф» — 0:2, «Андижон» — «Зарафшон» — 2:1, «Афросиёб» — «Атласчи» — 2:0, «Сўғдиёна» — «Косонсой» — 3:0, «Бухоро» — «Трактор» — 3:1. Олти турдан сўнг турнир жадвалидаги пешқадамлар мавқеи қуйидагича: МҲСК — 18 очко, «Пахтакор» ва «Нефтчи» жамоаларида 16 тадан очко, «Дўстлик» футболчиларида 13 очко бор.

Навбатдаги тур ўйинлари бугун ва эртага бўлади. «Дўстлик» бугун ўз майдонида Тошкентнинг «Чилонзор» жамоасини қабул қилади.

Шарофиддин УМУРЗОҚОВ.

УЧИНЧИ ТУР НАТИЖАЛАРИ

Мамлакат биринчилиги биринчи табақаси жамоалари учинчи тур ўйинларини ўтказишди. Уларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Орол» — «Машъал» — 2:0, «Хива» — «Дўстлик» — 4:1, «Роҳат» — «Боғдодчи» — 2:0, «Кимёгар» — «Темирйўлчи» — 2:3, «Тўқимачи» — «Истиқлол» — 2:1, «Навбаҳор-2» — «Лочин» — 2:0, «Пахтаобод» — «Металлург» — 1:0, «Шаҳрихон» — «Бўкалик» — 1:0, «Гулистон» — «Шўртон» — 1:0, «Зафар» — «Шўрчи» — 0:1, «Қизилқум» — «Ситора» — 1:0.

Бугун тўртинчи тур учрашувлари ўтказилади.

БИЗДА ҲАМ КУЧЛИ ПОЛВОНЛАР БОР

ОЛТИ КУН давомида республика олимпия ўринбосарлари билим юрти спорт залида оғир атлетика бўйича Ўзбекистон биринчилиги бўлиб ўтди. Унда жами тўққиз вилоят жамоаси сафида 100 га яқин полвонлар беллашди.Тошкент вилояти вакиллари жамоа ҳисобида ғолиб келган фарғоналиклардан сўнг 116 очко билан иккинчи ўринни эгаллашди. Оғир атлетикачиларимиз рақибларидан бор-йўғи уч очко ортда қолишган бўлса, учинчи ўринни эгаллаган андижонликлардан 41 очко ўзиб кетишди.

83 килограммгача вазнлилар баҳсида янгийўллик Рустам Шарофиддинов ғолиб келди. У штангани даст кўтаришда 140 килограмм ва силтаб кўтаришда 160 килограмм натижа кўрсатди. Шу вазнда қатнашган ангренлик Вячеслав Брюхов 270 килограмм кўрсаткич билан тўртинчи ўринни эгаллади. 99 килограммгача вазнда ангренлик Дмитрий Фролов кучли учликдан жой олди. Иқтидорли полвоннинг жароҳат олганлиги туфайли узоқ танаффусдан сўнг яна курашга қўшилганлиги қувонарлидир.

108 килограммгача полвонлар баҳсида олмаликлик Иван Ведерников 347,5 килограмм (157,5+190) натижа билан чемпионлик шохсупасига кўтарилди.

Мусобақа давомида чирчиқлик Александр Мусаев ва Игнат Смолскийлар спорт устаси талабини бажаришди.

Сиз нима дейсиз?

КУЁВ—ЁВ ЭМАС...

ОИЛАВИЙ ҳаётнинг муҳим таркибий қисмларидан бири — қайнота, қайнона ва куёв ўртасидаги муносабатдир. Туркий халқларда куёв ниҳоятда юксак даражада қадрланади. Куёв хонадонга келганида бамисоли хон келгандек иззат-эҳтиром кўрсатилади. У аввал бу оилага номаҳрам бўлган бўлса, энди энг яқин одамга айланади. Ҳаётда кўнгилдагидек куёвнинг учраши ҳам оилага шодлик ва бахт келтиради, дейдилар. Хўш, унга нисбатан бу қадар эътибор ва эъзоз кўрсатилишининг боиси нимада? Қадим ҳикоятда нақл қилинишича, бир донишманд ўғлига дебди:

— «Эй, менинг ақли тўлишмаган ўғилгинам, куёвимни, яъни поччангни нега яхши кўришимни, иззат-ҳурмат қилишимни биласанми? Шул киши бизнинг номусимизни қўриқлайди. Қизимизни — сенинг опангни ҳимоя этади, рўзғорини бут, ғамташвишларини унут қилади. Шундай бўлгач, уни яхши кўрмай кимни яхши кўрай? Куёвимни яхши кўриш — қизимни яхши кўриш демакдир.

Севикли ўғилларим, кўзим нурлари!

Номуснинг нималигини сизларга ўргатдим. Мен қандай бўлсам, сизлар ҳам шундай бўласизлар. Вақти-соатим етиб, дорулфанодан дорул бақога кўчсам, сизлар поччангизни иззатига путур етказиб қўйманглар. Шул одамга кўрсатиладиган ҳурмат — опангизга кўрсатиладиган ҳурматдир, унга тиланадиган омонлик опангизга тиланган умрдир. Буни ҳеч қачон унутманг!»

Ҳикоятнинг ибратли томони, аввало, «Куёв нима учун эъзозланиши керак?» деган саволга жавоб бўлса, айни пайтда қайнотанинг донишмандлигидир. Бинобарин, қайнотанинг оқиллиги ҳам куёвнинг бахти. Лекин ҳаётда оиладаги воқеаларни тўғри англаб-англамай ҳамиша қизи томонда туриб, куёвга хуруж қилаверадиган қайноталар ҳам йўқ эмас. Ҳатто зарурият сезилганда ҳам қизининг оиласига кўмаклашмайдиган, «эр бўлгандан кейин, рўзғорни юритсин» дейдиган нотанти ота-оналар ҳам учраб туради. Ҳатто баъзи бир бадавлатроқ қайноталарнинг қўли калтароқ куёвларига паст назар билан қараш ва қизи учун қилинган ёрдамни кўча-кўйда миннат қилиб гапириб юриш ҳолларига ҳам гувоҳ бўламиз. Лекин айнан шу куёвнинг самимий қалби, қизига нисбатан меҳр-муҳаббати кўпинча иккинчи даражага чиқариб қўйилади. Баъзи ота-оналарнинг фарзандлари оиласига бундай ноўрин муносабати яхши оқибатларга олиб келмаслигини ёхуд охир-оқибатда ўзлари изза бўлиб қолишларини ҳаётда учратганмиз. Мана, шу ҳақда яна бир ҳикоят:

«Бир камбағал йигит тақдир тақозоси билан шоҳнинг қизига уйланибди. Шоҳ эса ҳамиша қизини мақтаб, куёвини «ялангоёқ, ёв» дея тинмай камситар экан. Бироқ қизи куёвини жудаям севар, у билан бемаслаҳат бирор иш қилмас, тақдирнинг бу ишига ҳеч кўниколмаган ота эса куёвидан қандай қутулиш йўлини тополмай қийналаркан. Иттифоқо, юртга душманлар бостириб келибди. Шоҳ ўғли биринчилар қатори жангга кетибди. Куёви эса севимли ёри, қариндошуруғлари билан хайр-хушлашиб, кейинги куни жанггоҳга йўл олибди. Шунда шоҳ қизига қарата: «Ана, кўрдингми, болам, куёв ҳеч қачон эл бўлмайди! Аканг ўлимни бўйнига олиб, биринчи бўлиб урушга кирди, эринг эса жонининг ҳузурини ўйлаб, итнинг кейинги оёғи бўлиб майдонга кетди. Ҳали у жанггоҳни топиб боргунча уруш ҳам тугаб қолар...» Иззат-нафси оғриган қиз мулозимлар орқали жангни кузата бошлайди. Буни қарангки, душман ҳамласига бардош беролмаган акаси дастлабки олишувлардаёқ ёв томонга ўтиб, отасига қарши жанг қилаётгани ҳақида хабар келади. Бу гап шоҳнинг қулоғига ҳам етиб боради. Охир-оқибат бу оғир жанг сулҳ тузилиши билан якунланади. Мағлуб бўлган қизнинг отаси душман томондан, яъни, ғолиб шоҳдан мактуб олади. «Ўғлинг мен томонга ўтиб, сенинг заиф томонларингни айтмаганида сени енгиш осон бўлмасди. Аммо отасига вафо қилмаган сотқин ўғил бундан кейин менга ҳам вафо қилмайди. Шунинг учун ўғлингни қатл қилдирдим. Бироқ, шиддат билан жанг қилиб, бутун суворийларингни оёққа турғазган йигит ярадор бўлиб сафдан чиқмаганда менинг ғолиб чиқишим гумон эди. Ўшанда душман шоҳи ярадор куёвни топтириб, унга азбаройи меҳри тушганидан, «ота-онанг борми, шундай ўғил тарбиялагани учун уларни дуру-олтинлар билан сийламоқчиман, агар менинг аскарларим ичида сенга ўхшаган тўрт-бештагина баҳодир бўлганида, бутун мамлакатни қўлга киритишим мумкин бўларди, афсус...» дебди. Шунда куёв, ҳа, ота-онам бор, деб қайнотасини кўрсатибди. Буни эшитган шоҳ қаттиқ таъсирланибди ва кўзларида ёш билан куёвни бағрига босиб, ундан кечирим сўрабди.

Демакким, ориф қайнота ва қайнона куёвини ҳамиша ўз фарзандлари қаторида кўради, ютуқлари бўлса руҳлантиради, камчилиги бўлса эҳтиёткорлик билан тарбиялайди. Халқ қўшиқларида куйланганидек:

Қайнотаси яхши чиқса куёвнинг,
Бахт-омадга ботгани шу бўлади.
Қайнотаси ёмон чиқса куёвнинг,
Ғам-кулфатга ботгани шу бўлади...

Албатта, қайнона-қайнота томонидан сийланиш ҳам куёвга ўзига яраша масъулият юклайди. У шунга муносиб бўлиш учун аввало, ўзининг ички дунёсини тарбияламоғи, ўз оиласи, фарзандлари олдидаги бурчларини, хусусан, қайнона-қайнотаси олдидаги вазифаларини адо этмоғи лозим бўлади. Бир сўз билан айтганда, агар куёв бўлиб, ёрингиз хонадонидан иззат-ҳурмат топдингизми, демак бахтли экансиз! Бу бахтни ҳеч қачон бой берманг!

Муҳаммаджон АҲМЕДОВ.

Об-ҳаво

БАҲОР ЁМҒИРИ

Фасллар келинчаги баҳорда об-ҳаво ўзгарувчан бўлади. Эрталаб қарасанг фалакни туман қоплаб олса, пешиндан кейин кун чарақлаб кетади. 12—16 апрель кунлари ҳам вилоятимизда об-ҳаво тез-тез ўзгариб туради. Жойларда вақти-вақти билан ёмғир ёғади, момақалдироқ бўлади. Шамолнинг тезлиги секундига 15—20 метрга етади. Сешанба, норшанбага бориб ҳаво очилиб кетади. Кечалари аввалига 3—8 даража, кейинчалик 8-13 даража илиқ бўлади. Кундуз кунлари ҳаво ҳарорати 11—16 даражадан 17—22 даражагача кўтарилади.

Вилоятда биринчи марта

«САҲОВАТ» ХАЙРИЯ ЛОТЕРЕЯСИ

Халқаро Наврўз хайрия жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими ҳар донаси 50 сўмдан «Саҳоват» хайрия лотереясини жорий этди. Бу лотерея эгаларини 150 минг сўмгача бўлган ютуқлар кутмоқда.

Лотерея чипталари нақд пулга ва банк орқали пул ўтказиш йўли билан сотилмоқда. Ташкилот, корхона ва фирмалар хайрия сифатида пул ўтказиш йўли билан лотерея чипталарини олишлари мумкин.

Айни кунларда «Саҳоват» лотереясинин билетларини вилоят халқ банкининг барча шаҳар, туман бўлимларидан аҳоли катта қизиқиш билан сотиб олмоқда. Жамғармадан маълум қилишларича, ҳозиргача вилоятимизда 500 минг сўмлик лотерея билети сотилган.

Саҳоватпеша кишиларимизни катта ютуқлар кутмоқда.

Бу лотереянинг ютуқлар тиражи шу йил 31 июлда Тошкент шаҳрида ўйналади.

СЕУЛ ИНСТИТУТИДА ЎҚИЛГАН ЛЕКЦИЯЛАР

ЖАНУБИЙ Кореянинг Сеул шаҳридаги тиббиёт олий ўқув юртида уюштирилган суҳбатлар ўзбек олимларининг янги кашфиётларига бағишланди. Ана шу самарали изланишни амалга оширган тадқиқотчилар номидан академик Рустам Юсупов сўзга чиқиб, «Аэротерморегулятор» аппаратининг шифобахш хусусиятлари ҳақида сўзлаб берди.

Бу аппарат қалқонсимон без хасталигини даволайди. «Аэротерморегулятор» аппаратининг юзага келишида Нью-Йорк академиясининг ҳақиқий аъзоси, профессор Рустам Юсупов илгари сурган ғоя муҳим амалий аҳамият касб этди.

У Ўзбекистон геология давлат қўмитаси илмий-ишлаб чиқариш ва ўқув маркази раҳбари сифатида бу янгиликка яқиндан бош қўшди. Тошкент электротехника алоқа институти доценти Шокарим Тожибоев ва Тошкент Давлат тиббиёт институтлари олимлари билан бамаслаҳат олиб борилган кузатишлар ана шу муҳим янгиликка асос солди.

Бу ихтиро бўқоқ безини даволашда ўзининг яхши самараларини берди. Шу сабабли ўзбек олимлари тадқиқоти Япония, Хитой, Олмония каби мамлакатлар олимларида ҳам қизиқиш уйғотди.

Акбар АЛИЕВ.

Ҳар тўғрида

СОЧ НИМАНИ БИЛДИРАДИ

АВСТРИЯНИНГ Клагенфурт шаҳрида истиқомат қилувчи доктор Эмиль Штремпль салкам йигирма йилдан бери инсон тавсифи ва хулқи унинг сочлари рангига боғлиқлигини ўрганиб келади. У ўз изланишлари натижасини китобда баён қилиш учун тайёрланмоқда.

Штремплнинг тасдиқлашича, қора сочли кишилар миллати, қайси динга ихлос қилиши, билим даражаси ва ёшидан қатъий назар баджаҳл бўлади, лекин улар жаҳлидан тез қайтар экан. Одатда бундайлар кек сақламайдилар ва ўзларини ҳафа қилганлар ва ғанимларидан ўч олмайдилар. Доктор бу фақат эркакларга хос деб таъкидлайди. Қора сочли аёллар эса, аксинча, аламни узоқ эсдан чиқармайдилар ва ҳатто, кўп вақт ўтганидан кейин аёвсиз ўч олишга қодирдирлар.

Сариғиш сочли кишилар ва аёллар умуман чуқур ҳиссиётларга берилишга мойил эмаслар, деб ҳисоблайди тадқиқотчи. Улар тез «совусалар» ҳам кескин ҳатти-ҳаракатлар қилишга тайёр турадилар. Қизғиш сочли кишилар атрофдагиларга анча хавфли ҳисобланадилар. Айни вақтда улар қалин ва беғараз дўст бўлиш қобилиятига эгадирлар, бунда улар сўзсиз ишонган киши билан дўстликда ўзлари зарар кўрсалар ҳам унга содиқ қоладилар, деб ёзилади «Труд» газетасида.

КЎЗГА КЎРИНМАС НУЖ

ЯҚИНДА ҳарбий учувчилар Братислава (Словакия) осмонида ўз маҳоратларини намойиш қилишди. Уларнинг бу саъй-ҳаракатларини киночилар тасмаларга туширишган эди. Олинган материаллар монтаж қилинаётган вақтда кутилмаган нарсага дуч келинди: тасмада деярли барча машқ давомида самолётлар устида муаллақ турган чўзинчоқ НУЖ акс этган эди. Номаълум учар жисм бу авиация байрамига тўпланган мингларча кишиларнинг умуман кўзига кўринмаган. Бельгияда чиқадигин «Суар» газетаси шу ҳақда ҳикоя қилади.

Миробод туманидаги «Автоижарахизматчи» хусусий фирмаси
ТУГАТИЛАДИ.
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.
Телефон: 55-38-74.

Рассом Муроджон УНТАРОВ ҳажв қиллади

• Сўзсиз сурат.

• — Гишт заводининг белгиси деб ўтиб кетаверибман, ука.

• — Чет элга бориб тижоратимни қилиб келяпман, дадаси, болаларга чакак уриб чарчамадингизми, дарсларидан кеч қолмадингизми.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0215. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 13.826 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 00. Босишга топширилди – 18.00.